


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ



“Бино ва иншоотлар кадастр” кафедраси  
«Кадастр хизматидаги геодезик ишлар» фанидан  
«Кадастр навбатчи харитасига киритиладиган маълумотлар  
баъзасини яратиш» мавзусидаги курс ишини бажариш учун

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА



Самарқанд – 2019



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ

“Бино ва иншоотлар кадастри” кафедраси

Институтнинг илмий-услубий  
кенгашида кўриб чиқилди ва  
чоп этишга рухсат берилди.  
Рўйхатга олинди: № 301  
Баённо ма № 05,  
«16» 01 2019 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Институт илмий- услубий  
кенгаш раиси  
тех. фан. ном. доц. А.Р.Рахимов  
«16» 01 2019 й.



«Кадастр хизматидаги геодезик ишлар» фанидан  
«Кадастр навбатчи харитасига киритиладиган маълумотлар баъзасини  
яратиш» мавзусидаги курс ишини бажариш учун

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

5311500-“Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналиши,  
5A311502 – “Геодезия, картография (амалий геодезия)” ва  
5A311503 – “Бино ва иншоотлар кадастри” мутахассисликлари  
талабалари учун мўлжалланган.

Самарқанд - 2019

*Аннотация*

Ушбу услубий кўрсатмада 5311500-“Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналиши, 5А311502 – “Геодезия, картография (амалий геодезия)” ва 5А311503 – “Био ва иншоотлар кадастри” мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун «Кадастр хизматидаги геодезик ишлар» фанидан «Кадастр навбатчи харитасига киритиладиган маълумотлар баъзасини яратиш» мавзусидаги курс ишини бажаришга доир маълумотлар берилган.

Мазкур услубий кўрсатма - 5А311502- “Геодезия, картография (амалий геодезия)” мутахассислигининг II босқич талабаларига «Кадастр хизматидаги геодезик ишлар» фанидан «Кадастр навбатчи харитасига киритиладиган маълумотлар баъзасини яратиш» мавзусидаги курс ишини бажариш учун ишлаб чиқилди.

Услубий кўрсатма ушбу фаннинг намунавий ўқув режаси, намунавий фан дастури ва ишчи ўқув режаси асосида ёзилган.

**Тузувчилар:** “Био ва иншоотлар кадастри” кафедраси доценти,  
техника фанлари номзоди  
**Жўрақулов Дониёр Очилович**

“Био ва иншоотлар кадастри” кафедраси катта ўқитувчиси **Ниязов Воҳиджон Рўзиевич**

“Био ва иншоотлар кадастри” кафедраси ассистенти  
**Ибрагимов Лазизбек Тошпўлатович**

“Био ва иншоотлар кадастри” кафедраси ассистенти  
**Яркулов Зокир Рахмонович**

**Такризчилар:** “ЎзГАШКЛИТИ” Самарқанд филиали топография бўлими етакчи муҳандиси **Х.Ш.Худойбердиев**

“Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси катта ўқитувчиси к/х.ф.н. **И.Бобобеков**

“Био ва иншоотлар кадастри” кафедрасининг мажлисида (“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2019 йилдаги \_\_\_\_\_-сонли йиғилиш баённомасида) ва “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши” факультети илмий-услубий кенгаш йиғилишида (“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2019 йилдаги \_\_\_\_\_-сонли йиғилиш баённомасида) кўриб чиқилган ва маъқулланган.

## СЎЗ БОШИ

Ушбу “Кадастр хизматидаги геодезик ишлар” фанидан «Кадастр навбатчи харитасига киритиладиган маълумотлар баъзасини яратиш» мавзусидаги курс ишини бажариш учун услубий кўрсатмани ёзишда муаллифлар ўзларининг кўп йиллик тажрибаларига ва бу соҳада янги нашр этилган адабиётларга асосландилар. «Кадастр хизматидаги геодезик ишлар» фанидан «Кадастр навбатчи харитасига киритиладиган маълумотлар баъзасини яратиш» мавзусидаги курс ишини бажариш учун услубий кўрсатмага доир маълумотлар кейинги вақтлардаги “ШНК” ва ГОСТ талабларига мувофиқ берилди.

Услубий кўрсатмани тайёрлашда юртимизда ҳамма тилларда нашр этилган “Геодезия, картография ва кадастр” соҳаларига оид ўқув адабиётларида «Кадастр навбатчи харитасига киритиладиган маълумотлар баъзасини яратиш» мавзусидаги курс ишини бажариш ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Муаллифлар бу камчиликни тўлдириш ниятида кадастр навбатчи харитасига киритиладиган маълумотлар баъзасини яратишга оид ишларидан қисқача маълумот бердилар. Услубий кўрсатмани ёзишда муаллифлар томонидан ушбу соҳаларга оид қонун қоидалар, дарслик ва ўқув кўлланмалардан ҳам фойдаланилди.

Услубий кўрсатма ҳажмини оширмаслик учун амалий мисоллар жуда зарур ўринлардагина кўрсатилди. Услубий кўрсатмадан олий таълим муассасаларининг 5311500-“Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналиши, 5А311502-“Геодезия ва картография (Амалий геодезия)” ва “5А311503-Бино ва иншоотлар кадастри” магистратура мутахассисликлари талабалари, шунунгдек ўрта махсус каб ҳунар таълимининг 3540101-“Ер тузувчи ва геодезия ишлари техниги” ҳамда 3540102-“Картография ишлари техниги” йўналишлари касблари бўйича таълим олаётган касб-ҳунар коллежлари талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

## КИРИШ

Ушбу услубий кўрсатма “Кадастр хизматидаги геодезик ишлар” фанининг намунавий ўқув режаси, намунавий ўқув дастури ва ишчи ўқув режалари асосида олий таълим муассасаларининг 5311500-“Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналиши, 5А311502-“Геодезия ва картография (Амалий геодезия)” ва “5А311503-Бино ва иншоотлар кадастри” магистратура мутахассисликлари талабалари, шунунгдек ўрта махсус каб ҳунар таълимининг 3540101-“Ер тузувчи ва геодезия ишлари техниги” ҳамда 3540102-“Картография ишлари техниги” йўналишлари касблари бўйича таълим олаётган касб-ҳунар коллежлари талабаларига кадастр навбатчи харитасига киритиладиган маълумотлар баъзасини яратиш тўғрисидаги маълумот олишлари учун ёзилди.

Услубий кўрсатма ДТС ларига тўлиқ мос келади, “Кадастр хизматидаги геодезик ишлар” фанининг намунавий ўқув режаси, намунавий ўқув дастури ва ишчи ўқув режалари асосида ёзилган.

Мазкур услубий кўрсатмани тайёрлашда олий ўқув юр்தларининг 5311500-“Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналиши, 5А311502-“Геодезия ва картография (Амалий геодезия)” ва “5А311503-Бино ва иншоотлар кадастри” магистратура мутахассисликлари талабалари, шунунгдек ўрта махсус каб ҳунар таълимининг 3540101-“Ер тузувчи ва геодезия ишлари техниги” ҳамда 3540102-“Картография ишлари техниги” йўналишлари касблари бўйича таълим олаётган касб-ҳунар коллежлари талабалари учун ёзилган дарсликлар ва ўқув адабиётларидан фойдаланилди.

Услубий кўрсатмани ёзишда “Кадастр хизматидаги геодезик ишлар” фанининг ишчи ўқув режасига кўра, 5311500-“Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналишининг III – босқичи, 5А311502-“Геодезия ва картография (Амалий геодезия)” ва “5А311503-Бино ва иншоотлар кадастри” магистратура мутахассисликларининг II – босқичларида ўқитиладиган дастлабки умумқасбий фани эканлиги, талабаларнинг бу

фанни ўрганишга ҳали етарли тайёр эмасликларини ҳисобга олиб, уни соддалаштиришга ҳаракат қилинди.

“Кадастр хизматидаги геодезик ишлар” фанининг намунавий ўқув режаси, намунавий ўқув дастури ва ишчи ўқув режаларида кўзда тутилган ҳажмда берилган. Шунингдек, услубий кўрсатмада кадастр съёмкасини тахеометрик усулида бажариш, кадастр съёмкасини электрон геодезик дастурлар ёрдамида расмийлаштириш, майдон юзасини ҳисоблаш усуллари ва кадастр навбатчи харитасига киритиладиган маълумотлар баъзасини яратиш тўғрисидаги умумий маълумотлар келтирилган.

Услубий кўрсатмани нашрга тайёрлаш, фойдаланишда сезилган камчиликлар, услубий кўрсатма тўғрисидаги тақриз ва муҳокамаларда эътиборга олинди.

Услубий кўрсатмада жадваллар сони 3 та, расмлар сони 37 та, намуналар сони 20 та ва иловалар сони 3 та ҳамда фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхатларидан иборат.

Услубий кўрсатмани Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди Д.О.Жўракулов, катта ўқитувчи В.Р.Ниязов ва ассистент Л.Т.Ибрагимовлар биргаликда тайёрлашган.

Мазкур услубий кўрсатма кадастр соҳасидаги “Кадастр хизматидаги геодезик ишлар” фанидан илк услубий кўрсатма бўлганлиги сабабли, муаллифлар ушбу услубий кўрсатма тўғрисида билдирилган барча танқидий фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиладилар.

## **1. Кадастр навбатчи харитасига киритиладиган маълумотлар базасини яратиш.**

Кадастр съёмкаси худуднинг навбатчи харитасига киритилади (анъанавий усулда ёки компьютер дастурлари асосида рақамли харитага).

Навбатчи харита - ўз моҳияти бўйича муҳим ҳужжатлардан бири бу туман (шаҳар) навбатчи харитасидир, навбатчи харитада худуддаги барча ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг худудий жойлашувига тасаввур беради.

Кадастр плани – кўчмас мулк объектнинг ўрнашган жойини, чегараларини, бинолар, иншоотлар ва бошқа топографик элементларини акс эттирувчи, умумий қабул қилинган шартли белгиларда тузилган чизма ҳужжат;

Тайёрланган ер участкасини кадастр плани кўриб чиқилиши, келишиши ва тасдиқланиши талаб қилинади.

Кадастр плани кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши кадастр хизмати мутахасислари томонидан амалга оширилади. Кадастр планини кўриб чиқиш мобайнида, кадастр съёмкаси топографик, кадастровик, ер тузиш норматив-техник талабларига мослиги ва техник топшириқлар талабича бажарилганлиги текширилади.

Кадастр съёмкасини кўриб чиқадиган шахс, чегараларни туғри тушурилганлигини ва тансифини, кадастр съёмкасини аниқлигини ва расмийлаштириш норматив-техник талабларига мослигига ишонч ҳосил қилиши керак. Натижаси бўйича камчиликлар ҳақида акт тузади актда камчиликларни бартараф этиш вақти кўрсатилади.

Ер участкасини кадастр плани бажарган маъсул шахс имзолайди ва маҳаллий давлат кадастр хизмати ходими томонидан тасдиқланади.

Мутахасис кадастр съёмкасини кўриб чиқиши учун худуднинг электрон рақамли навбатчи картасига эга бўлиши керак. Электрон рақамли навбатчи карта турли дастурлар орқали амалга ошириш мумкин. Биз мисолимизда Panorama ва CredoDAT дастурлари орқали амалга ошириш ва



тузиш ишларини қисқача бериб ўтамиз. Айти пайтда юртимизда геодезия, картография ва кадастр ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳимояланган ягона электрон тизим асосида ўзаро кадастр маълумотлари алмашуви йўлга қўйилган. Шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда базавий дастурий таъминот сифатида ArcGIS ва “Panorama” дастурлари, кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш учун эса Uzbek Land Register 2.2. лицензион дастурий таъминоти яратилган. Ушбу дастурлар орқали ҳар бир туман ва шаҳардаги кадастр билан боғлиқ жараёни кузатиб бориш мумкин.

### **1.1. Кадастр (топографик) съёмкаси ва унинг моҳияти**

Горизонтал съёмкада жойдаги нуқталарнинг горизонтал текисликка бўлган проекциялари аниқланиб, жойнинг контурли плани чизилади, съёмка, асосан теодолит билан бажарилади.

Топографик план чизиш учун, дастлаб горизонтал съёмка, кейин шу жойда вертикал съёмка қилиниб, шу икки съёмка материаллари бўйича жойнинг топографик плани чизиладики, бу жуда кўп вақтни олади ва ортиқча маблағлар талаб қилади. Шунинг учун жойнинг топографик планини чизиш учун шу жойда горизонтал ҳамда вертикал съёмка бир вақтда бир асбоб билан бажарилади, бу **кадастр (топографик) съёмка** бўлади.

Топографик съёмка, ишлатиладиган асбоб ва ишлаш усулига қараб, тахеометрик ва мензула съёмкасига бўлинади. Тахеометрик съёмкада дала ва камерал ишлар икки босқичда бажарилади, мензула съёмкасида эса дала ва камерал ишлар бир вақтда бир асбоб билан далада бажарилади.

Бу съёмкада горизонтал ҳамда вертикал съёмка бир вақтда бажарилганидан, ишлатиладиган асбоб ҳам шунга мосланган бўлади, бу асбоб **тахеометр** дейилади. Тахеометр ясашиши ва зарур катталикларнинг қандай аниқланишига қараб, доиравий ва автоматик тахеометрларга

бўлинади. Доиравий тахеометрда топографик план чизиш учун керакли чизикнинг узунлиги далномер билан ўлчанади, унинг горизонтал кўйилиши ҳисоблаб топилади; тахеометр буссол ёрдамида магнитли меридиан буйича ориентирланади; нуқталар орасидаги нисбий баландлик, вертикал бурчак ва далномер масофа буйича тригонометрик йўл билан ҳисобланади.

Кадастр плани асосан 1:1000, 1:2000 ва 1:5000 масштабларда олинади. План олишнинг бу усули кўпинча мураккаб рельефи кичик жойнинг, шаҳар, посёлка ва қишлоқлардаги очиқ жойларнинг, узунасига кетган иншоотлар, масалан, йўллар, электр ва телефон линиялари, газ, сув, нефт қувурлари ва шу кабиларнинг трассалари планини олишда қўлланилади.

Кадастр планини олишда асбоб ўрнатилган нуқта (станция) да туриб жойдаги бирор нуқтага ўрнатилган рейкага қаралади ва шу нуқтагача бўлган масофа (чизик), унинг йўналиш бурчаги ҳамда нуқталарнинг бири-бирига нисбатан баландлиги ўлчанади. Шуларга асосланиб, жойдаги нуқтанинг учта координатаси: станцияга нисбатан планли ўрни ( $x$ ,  $y$ ), баландлиги ( $h$ ) аниқланади.

План олишнинг бу усулида горизонтал бурчаклар - тахеометр билан, масофа - ипли ёки қўш тасвири далномерлар билан ўлчанади, нисбий баландлик эса тахеометрик нивелирлаб аниқланади. Жойда бажариладиган ишлар плани олинadиган жойни рекогносировка қилиш, план олиш шохобчаси пунктларининг ўринларини танлаш, уларни жойда белгилаш, план олиш шохобчасини ҳосил қилиш, жойнинг тафсилоти ва рельефини планга тушириш ҳамда план олиш натижасини жойда текширишдан иборат. Жойда бажарилган ўлчаш натижалари (журналлар) ни текшириш ва ишлаб чиқиш, пунктларнинг координаталари ва отметкаларини аниқлаш ҳамда жойнинг топографик планини тузиш эса камерал ишлар бўлиб ҳисобланади.

## 1.2. Тафсилотларни кадстр планига олиш

Планга олиш план олиш асоси ҳисобланган нуқтадан қуйидаги тартибда бажарилади. Нуқтанинг устига тахеометр марказлаштирилади. Унинг лимби шундай ориентирланадики, ўнг айланада қараш трубасини иккинчи нуқтага қаратганимизда горизонтал доирадан олинган санок иккинчи томоннинг дирекцион бурчагига тенг бўлсин. Унинг учун горизонтал доира алидадаси саноғи дирекцион бурчакга тенг қийматга қўйилади. Лимбни ҳаракатлантириб қараш трубаси визир ўқи иккинчи нуқтага қаратилади. Бундай пайтда лимбнинг номи  $x$  ўқи бўйича ориентирланган бўлади. Шунинг учун ўнг доирада тафсилотларни планга олаётганда горизонтал доирадаги санок олинаётган нуқталар йўналишининг дирекцион бурчагини беради.

Агар тафсилотларни планга олиш теодолит йўли нуқталаридан бажарилаётган бўлса, лимб  $x$  ўқиға нисбатан ориентирланмасдан теодолит йўли йўналиши бўйича ориентирланади. Унда горизонтал доирадаги санок биринчи томон йўналиши билан планга олинаётган нуқта орасидаги бурчакни қийматини беради.

Тафсилотларни планга олиш учун рейка жой релефи ва контурнинг характерли нуқталарига қўйилади. Кўриш трубасининг вертикал ипи нуқта устида турган рейканинг ўртасига қаратилади ва дальномер иплари бўйича масофа саноғи, вертикал ипни асбоб баландлигига қаратиб (наведение) горизонтал ва вертикал доиралардан санок олинади. 2-жадвалда тахеометрик план олиш журналининг намунаси берилган.

### Кадастр (тахеометрик) планини олиш журнали

1-жадвал

Кузатув нуқтаси	Горизонтал доира бўйича санок	Масофа <i>L, м</i>	Вертикал доирадан санок	Қиялик бурчаги	$d=L\cos^2 v$ , <i>м.</i>	Нисбий баландлик $\pm h, м.$	Абсолют баландлик <i>H, м.</i>	Еслатма
№1 Туриш жойи: Лимб горизонтал доира бўйича А нуқтага ориентирланган $A=241^{\circ}13'$ ; $i=1,38$ ; $H_1=176,16м$ ; $H\ddot{U}=0^{\circ}00'05''$								
А	$61^{\circ}14'$		$358^{\circ}38'$	$0^{\circ}00'05''$				
У	381 50		0 35	0 00 05				
			ЎД					
А	$241^{\circ}13'$	139,2	$1^{\circ}23'$	$+1^{\circ}22',5$	139,2	+3,31	-	
У	138 51	105,6	359 26	$-0 34,5$	105,6	-1,05	-	
1	17 05	53,1	359 35	$-0 25,5$	53,1	-0,38	175,78	Йўлак
2	42 15	72,0	357 00	$-3 00,5$	71,9	-3,76	172,40	Полиз чегараси
3	103 26	39,1	356 56	$-3 04,5$	39,0	-2,08	174,08	
4	144 11	53,9	356 59	$-3 01,5$	53,8	-2,83	173,33	
5	198 35	26,2	0 53	$+0 52,5$	26,2	+0,39	176,55	Йўлак
6	206 30	47,8	0 31	$+0 30,5$	47,8	+0,42	176,58	
7	284 19	45,0	1 36	$+1 35,5$	45,0	+1,25	177,41	

Тафсилотларни планга олиш учун рейка ўрнатилган нуқталар пикетлар дейилади. Пикетларни шундай ҳисоб билан танлаш керакки, камроқ пикет олиб жойнинг тўлиқ тафсилотини олиш имконияти бўлсин. Бир қияликларда ва яхши кўринган рельефларда 1:1000 масштабни планда ҳар 30 м да ва 1:2000 масштабни планда ҳар 20 м да пикетлар танланади.

Тафсилотларни планга олишда стациядан пикетларгача бўлган йўл қўйиладиган масофалар чекига риоя қилиш керак. Улар план олиш масштабига қараб жадвалда кўрсатилган чекдан ошиб кетмаслиги керак (2-жадвал).

2-жадвал

План олиш масштаби	Пикетларгача бўлган масофа, м.	
	Баландлик	Контурли ва контурли- баландлик
1:5000	250	150
1:2000	200	100
1:1000	150	80


Планга олиш жараёнида дала журнали билан бирга хомаки план (абрис) ҳам олиб борилади. Чунки кадастр планига олиш ҳисоблаш ишлари камерал шароитда олиб борилади. Бажарувчи жойнинг кўп сонли пикетларидан иборат бўлган тафсилотларни жойлашишини эслаб қолмайди. Шунинг учун хомаки план чизиб бориш жуда муҳимдир.

Хомаки план съёмка қилинаётган жойнинг тафсилотлари ва рельефини тўлиқ тасаввурини бериши керак. Унга ўсимликлар ва предметлар контурига қўйилган барча пикет нуқталари туширилади. Қияликларнинг йўналиши стрелкалар билан, яхши кўринишли формага эга бўлган рельефлар шартли горизонталлар билан кўрсатилади. Яхшиси, хомаки планни ҳар бир стация учун алоҳида қаттиқ жилдли дафтарда махсус доирали диаграмма (1-расм) бўйича олиб бориш керак.

Диаграмма консентрик айланадан иборат бўлиб стациядан пикетларгача бўлган масофаларни пикетлар йўналиши бўйича дирекцион бурчакларни аниқлаш учун, ҳар  $10^0$  дан қатор радиуслар чизилган бўлади.

Концентрик айлана маркази стация жойини белгилайди. Хомаки планга барча пикет нуқталари кутб координаталари бўйича:  $\alpha$  азимути ва стациядан пикетгача д масофаси қўйилади.

Кадастр планини тузиш, координата тўрларини чизиш ва координаталар бўйича геодезик асослар ва план олиш пунктларини туширишдан бошланади. Горизонтал чизиқларнинг тўғри туширилганлигини текширгандан кейин, тафсилотларни планга олишдаги нуқталарни тушириш бошланади.



1-расм

Тахеометрик йўл чизилиб, стациялар ўрни аниқланади. Кейин унинг атрофида съёмка қилинган нуқталар ўрни топилади. Тахеометрик йўл планси, теодолит съёмкасидаги каби, бурчак учларининг координаталари бўйича чизилади. Бунда тахеометрик йўл стацияларининг координаталари ҳисобланади. Сўнгра квадрат катаклар тўри ясалади, унда координаталари бўйича стациялар ўрни топилади, кейин ҳар қайси стациядан олинган рейка нуқталарининг ўрни ориентирлаш чизиғига нисбатан транспортёрдамида горизонтал бурчакни ясаб, томонига  $d$  масофани масштаб бўйича ўлчаб қўйиш орқали топилади. Тафсилот нуқтага рақами, рельеф нуқтасига эса каср кўринишида суратига рақами, маҳражига отметкаси ( $d$  м ҳисобида) ёзилади.

Ҳар стациядаги рейка нуқталари топилгач, тафсилот нуқталари хомаки пландагидек туташтирилса, жой тафсилоти тасвирланади. Рельеф нуқталарини интерполясия қилиб, исталган кесимда горизонталлар ўтказилади.


### 1.3. Кадастр съёмкасини асослаш

Кадастр съёмкани бир системада олиб бориш учун тахеометрик йўл съёмка жойига яқин бўлган таянч пунктларга боши ва охирида планли ва баландлик бўйича боғланади. Таянч пунктлар орасида олинадиган геодезек йўл *съёмка йўли* дейилади; съёмка йўли, аниқлигига қараб, *теодолит нивелир* йўли билан *теодолит-тахеометр йўлига* бўлинади.

Теодолит нивелир йўлида масофа лента ёки аниқ далномер билан, бурчаклар теодолит билан ўлчанади, нисбий баландликлар геометрик нивелирлаш йўли билан аниқланади.

Теодолит тахеометр йўлида бурчак теодолит билан, томонлар узунлиги Г.400 аниқликда далномер билан ўлчанади. Вертикал бурчак тўғри ва тескарига қараб ўлчанади, бунда икки ўлчаш фарқи  $2t$  дан ошмаслиги керак; бу ерда  $t$ – санок аниқлиги. Тўғри ва тескари нисбий

баландликлар фарқи 100 м да  $\pm 0,06$  м дан ошмаслиги керак. Тахеометрик йўл ва томон узунликлари съёмка масштабига қараб турлича бўлади. Масалан, масштаб 1:1000 бўлганда йўл узунлиги 400 м атрофида, томон узунлиги 150 м гача бўлади.



2-расм.

Тахеометрик йўл жойи ситуациyasi ва релефини съёмка қилишда асос бўлади. Асбоб ўрнатиладиган стациялар рақамланиб, алоҳида маҳкамланади (2-расм).

Кадастр съёмка чизиқли иншоот йўналиши бўйича олиб борилса, *маршрут съёмка*, маълум майдон юзаси бўйича олиб борилса, *майдон съёмкаси* дейилади. Маршрут съёмкада тахеометрик йўл икки пунктга (бошда ва охирда) боғланади. Майдон съёмкасида ёпик полигон ҳолида олиб борилади, лекин полигоннинг бир нуқтаси (стацияси) пунктга боғланади.

#### 1.4. Кадастр план олиш натижаларидан фойдаланиб кадастр планини чизиш

Тахометрик юл пунктлари қоғоз (планшет) га йўл томонларининг юналиш бурчаклари (азимут, румб) ҳамда масофалар тушириб бўлгандан кейин пикетлар планга туширилади. Горизонтал лимб тахометрик йўл



юналишида ориентирланган бўлса, транспортир маркази пункт нуктасига, асоси эса лимбга ориентирланган томонга тўғрилаб қўйилади.

Релеф горизонталлари билан тасвирланадиган бўлса, дастлаб, характерли нукталари белгиланади. Сўнгра горизонталлар чизилади. Горизонталлар аналитик ва график усулда топилади.

Биз ҳисоблаш график ишида график усулда горизонтал чизиқлар ўтказганмиз. Бу усулда горизонталлар ўрнини топишда палетка ишлатилади. Палетка бир-биридан маълум ораликда паралел чизиқлар чизилган шаффоф қоғоздир. Паралел чизиқлар оралиғи тузилаётган планнинг масштаби ва нишабига боғлиқ. Палетка ёрдамида дастлаб 2-нукта оралиғида қанча горизонтал ўтказилиш кераклиги аниқланади.

### 1.5. Кадастр съёмканинг камерал ишлари

Кадастр съёмка журнаlinesи тўлдириш. Съёмкадаги ўлчаш натижаларини тенглаб, план чизишга керакли миқдорлар ҳисоблаш ва план чизиш тахеометрик съёмканинг камерал ишлари бўлади. Аввал  $R$  ва  $L$  саноклар бўйича стациялар орасидаги қиялик бурчаги  $v = \frac{R-L}{2}$  ва вертикал доиранинг  $NO' = \frac{R+L}{2}$  топилади (журнал ва уни тўлдириш Қ.Норхўжаевнинг 1976 йили чиққан «Муҳадислик геодезиясидан практикум» номли китобида тўлиқ келтирилган). Сўнгра НЎ қиймати бўйича стацияда қаралган рейка нукталарига тегишли вертикал бурчаклар  $v = R - NO' = NO' - L$  формула билан ҳисобланади ва ўз устунларига ёзилади. Бу қийматлар см гача яхлитланади.  $d$  ва  $h$  ни ҳисоблашда тахеометрик жадвалдан фойдаланиш мумкин.  $v < 2^\circ$  бўлганда  $d$  ўлчаш  $D$  қийматини қабул қилиш мумкин.

$h$  лар ҳисоблангач, стациялар орасидаги нисбий баландликлар тенгланади. Агар бир стациядан иккинчи стацияга қараб топилган нисбий баландликни  $h_{тўғ}$  иккинчи стациядан биринчига қараб топилган нисбий

баландликни  $h_{\text{тес}}$  (тўғри ва тескари сўзидан) десак, бу нисбий баландликларнинг абсолют қийматлари тенг бўлиши керак, акс ҳолда, нивелирлаш хатоси  $\Delta h$  ҳосил бўлади, яъни  $\Delta h = |h_{\text{тес}}| - |h_{\text{то'ғ}}|$ . Вертикал бурчак  $\nu$  нинг ўлчаш хатоси  $\Delta \nu = 1'$  бўлса, бу хато орқали нисбий баландлик 100 м масофада  $\pm 3$  см ўзгаради. Агар бу хатони ўрта квадратик хато  $t_{100} = \pm 3$  см десак, томон узунлиги  $D$  бўлганда ўрта квадратик хато  $m_h = m_{100} \frac{D}{100}$  ёки  $m_h = 3sm \cdot \frac{D}{100}$  бўлади. Тўғри ва тескари нисбий баландликларнинг арифметик ўртаси  $h_0$  қабул қилинганда унинг ўрта квадратик хатоси  $m_{h_0}$  бир нисбий баландлик хатосидан  $\sqrt{2}$  марта кичик, яъни  $m_{h_0} = \pm 3sm \frac{D}{100} \cdot \frac{1}{\sqrt{2}}$  бўлади. Бунинг чекли хатосини  $\Delta l_{\text{lim}} = 2m_h$  десак, у қуйидагича бўлади:

$$\Delta l_{\text{lim}} = \pm 2 \cdot 3sm \frac{D}{100} \cdot \frac{1}{\sqrt{2}} = \pm 2\sqrt{2}sm \frac{D}{100}$$

ёки яхлитлаб олинса,

$$\Delta l_{\text{lim}} \cong \pm 4sm \frac{D}{100} \cong \pm 0,04Dsm$$

бўлади.  $\Delta h$  йўл қўярли бўлса, ҳамма стациялар орасидаги нисбий баландликларнинг арифметик ўртаси  $h_0$  ҳисоблаб топилади. Кейин мусбат ва манфий нисбий баландликлар йиғиндиси  $\sum h_0$  ҳисобланади.

Тахеометрик йўл икки пункт орасида олинганидан  $\sum h_0 = H_0 - H_b$  бўлиши керак, лекин амалда хато сабабли қуйидагича

$$f_{ha} = \sum h_0 - (H_0 - H_b)$$

бўлади; бу ерда  $f_{ha}$  – тахеометрик йўлнинг амалий боғланмаслик хатоси. Тахеометрик йўл узунлиги  $R$  м, йўлдаги нисбий баландликлар сони  $n$  бўлса, тахеометрик йўлнинг чекли боғланмаслик хатоси қуйидагича бўлади:

$$f_{hch} = \pm \frac{0,04P}{\sqrt{n}} sm$$

$f_{h_a} < f_{h_{ch}}$  бўлиши керак. Агар бу шарт бажарилса, хато нисбий баландликларга  $f_{h_a}$  ишорасига тескари ишора билан тарқатиладики, бу тузатма дейилади. Тузатмани  $\delta_{h_{ch}}$ , томон узунликларини  $d_i$  –десак,  $\delta_{h_i} = \frac{f(h_a)}{p} \cdot d_i$  бўлади.

Стациялар отметкасини ҳисоблаш. Тузатилган нисбий баландликлар орқали бош стация отметкаси бўйича қолган стациялар отметкаси куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$H_p = H_{n-1} + h_{n-1}$$

бунда  $H_{p-1} \cdot H_p$  – олдинги ва кейинги стациялар отметкаси,  $h_{p-1}$  – шу стациялар орасидаги нисбий баландлик. Отметкалар см гача яхлитланади.

Рейка (релеф) нуқталари отметкасини ҳисоблаш. Стацияларнинг ҳисобланган отметкалари журналдаги ўз рақамлари ёзилган қатор охиридаги  $H$  устунига ёзилади. Бу отметкалар бўйича стациядан қаралган рейка нуқталари отметкаси ҳисобланади. Рейка нуқтасининг  $H_r$  отметкаси стация отметкаси  $H_{ст}$  га рейка нуқтаси нисбий баландлиги  $h_r$  нинг алгебраик қўшилганига тенг:

$$H_r = H_{ст} + h_r$$

Рейка нуқта отметкаси ўз стациясининг отметкаси бўйича ҳисобланади.

Тахеометрик йўл бурчакларини тенглаштириш. Тахеометрик йўл планини чизиш учун йўл томонларининг румбларини аниқлаш керак. Тахеометр ҳар стацияда кейинги стацияга ориентирланганидан (I – II, II – III каби), горизонтал доира саноғи стациядаги йўлнинг ўнг бурчаги бўлади. Тахеометрик йўлнинг бош ва охириги томон йўналишлари малум бўлганидан ўлчанган бурчаклар теодолит съёмканинг очик, полигони каби тенглаштирилади.

### Тахеометрик план олиш журнали

3-жадвал

Пикетлар №	Дальномердан олинган саноклар	Горизонтал доирадан олинган саноклар	Вертикал доирадан олинган саноклар	Қиялик бурчаги, V	Масофанинг горизонтал проекцияси, (d).м	Нисбий баландлик, (h).м	Пикетлар отметкаси, (H).м
<b>1-станция НЎ = 0°00′</b>				<b>H = 445,80м</b>			
А		0°00′					
1	116,0	8°50′	359°40′	0°00′	116,00	0,68	446,48
2	84,4	17°48′	358°22′	1°38′	82,30	2,35	448,15
3	78,9	81°38′	357°42′	2°18′	78,80	3,17	448,97
4	100,0	5°12′	0°46′	-0,46	100,00	0,33	445,57
5	76,7	78°40′	0°38′	-0,38	76,70	0,85	444,95
6	98,3	101°16′	1°29′	-1,29	98,20	2,54	443,26
7	120,4	147°22′	2°13′	-2,13	120,20	4,66	441,14
8	46,0	168°0′	2°48′	-2,48	45,90	2,24	443,56
9	53,0	186°24′	359°30′	0,3	53,20	0,47	446,27
10	21,0	205°13′	358°04′	1,56	21,00	0,71	446,51
11	64,5	248°01′	357°52′	2,08	64,40	2,4	448,2
12	91,0	301°11′	0°29′	-0,29	91,00	0,76	444,44
13	124,1	339°17′	0°58′	-0,58	123,90	2,08	443,72
14	101,8	349°00′	2°58′	-2,08	101,70	5,26	440,54
А		0°00′					

Жойнинг тафсилотлари ва релефини планга тушириш тахеометрик йўлни ўтказиш билан бир вақтда амалга оширилганида ҳар бир стацияда куйидаги ишлар бажарилади:

1. Тахеометр нуктага ўрнатилади, асбоб нуктага марказлаштирилади, лимб текислиги горизонтал ҳолатга келтирилади, ориентирланади. Лимбни магнит меридиани ёки олдинги чизик юналишида ориентирлаш мумкин. Тахеометр лимбини магнит меридиани бўйича ориентирлаш учун вернер ноли лимб нолига тўғриланади ва алидаданинг маҳкамлаш винти бураб маҳкамланади. Сўнгра лимб бўшатилади, алидада билан тахеометр айлантрилиб, буссол магнит стрелкасининг шимолий учи лимбдаги нолга тўғри келтирилади. Шунда трубанинг визир ўқи магнит меридианига ориентирланган бўлади. Лимб шу ҳолатида маҳкамланади, алидада эса бўшатилади. Труба бирор йўналишга визирланиб лимбдан олинган санок йўналишининг магнит азимути бўлади. Лимбни олдинги чизик йўналишида ориентирлаш учун вернер ноли лимб нолига тўғриланади ва труба олдинги пунктдаги рейкага визирланади. Шунда биринчи вернердан олинган санок нолга тенг бўлади. Агар алидада бўшатилиб, труба кейинги веҳага визирланса, вернердан олинган санок кейинги ва олдинги чизик йўналиши орасидаги бурчакни ифодалайди;

2. Тахеометр ўрнатилгач, асбоб баландлиги ўлчаниб журналга ёзилади. Қараш трубаси кейинги пунктдаги рейкага визирланади, далномердан, горизонтал ва вертикал доиралардан саноклар олиниб, журналга ёзилади;

3. Қараш трубаси олдинги пунктдаги рейкага визирланади. Бунда ҳам далномер, горизонтал ва вертикал доиралардан саноклар олиниб журналга ёзилади;

4. Вертикал доира ўнг томонда бўлса, чапга ўтказилади. Дастлаб, кейинги пунктдаги рейкадан, сўнгра олдинги пунктдаги рейкадан саноклар олиниб журналга ёзилади. Агар рейкада асбоб баландлиги белгиланган

бўлса қараш трубаси рейкадаги белгига, рейкада баландлик белгиланмаган бўлса қараш трубаси рейканинг бирор қийматига ёки учига визирланади;

5. Ҳар бир стацияда вертикал доиранинг нол ўрни, қиялик бурчаги ҳамда тахеометрик жадваллардан фойдаланиб, полигон томонининг горизонтал проексияси ва нисбий баландлиги ҳисоблаб чиқарилади. План олишда автомат-тахеометр қўлланилса, полигон томонининг горизонтал проексияси ва нисбий баландлик бевосита аниқланади;

6. Стация атрофидаги тафсилот ва рельеф планга олинади. Бунинг учун жойдаги контур ва рельефнинг тавсифли нуқталарига бирин-кетин рейкалар ўрнатилади; вертикал доира чапда бўлганда, қараш трубаси пикетлардаги рейкага визирланади ва далномер, горизонтал ҳамда вертикал доиралардан саноклар олинади (3-жадвал). Тахеометрик жадваллардан фойдаланиб стациядан пикетларгача бўлган масофаларнинг горизонтал проексиялари ҳамда нисбий баландликлар ҳисоблаб чиқарилади. План олишда автомат-тахеометр ишлатилаётган бўлса, пикетларгача бўлган масофанинг горизонтал проексияси ва нисбий баландликлар бевосита асбоб ёрдамида аниқланиб, журналга ёзилади. Стацияда иш тамом бўлгач, қараш трубаси олдинги пунктдаги рейкага визирланади ва лимбнинг туриш ҳолати бузилмаганлиги текширилади. Биринчи стацияда иш тамом бўлгач, тахеометр иккинчи стацияга кўчирилади ва бу стацияда ҳам иш юқоридаги тартибда бажарилади.

Тахеометрик план олишда ҳар бир стацияда ўлчаш ишини бажариш билан биргаликда, кўз билан чамалаб стация атрофидаги жойнинг схематик плани чизилади. *Хомаки* планнинг абрисдан фарқи шундаки, унда контурлардан ташқари, рельеф ҳам кўрсатилади. Планда горизонталлар ўтказишни осонлаштириш учун *хомаки* планда нишабликларнинг йўналиши стрелкалар билан, рельефнинг тавсифли шакллари эса горизонталлар билан схематик равишда чизиб кўрсатилади.

Ишни осонлаштириш учун ҳап куни планни жойнинг ўзида тузиб бориш керак. Бунда ҳар стациянинг тахеометрик плани катталиги 25X25 см бўлган шаффоф коғозга чизилади. Ҳар бир стация плани ўлчаш ишида йўл қўйилган қўпол хатоларни аниқлашга ва ўз вақтида йўқотишга имкон беради. Стациялар планини бирлаштириб жойнинг планини ҳосил қилиш мумкин.

Юртимизда компьютер технологияси ривожланган сайин, геодезия соҳасида ҳам қатор ўзгаришлар бўлмоқда. Бунга мисол тахеометрик съёмканинг ҳозирги кунда электрон тахеометрларда бажарилишидир. Бажарилган ишларни дастурлар ёрдамида хомаки план асосида компьютерга киритиб чизилади, горизонталларни чизишда баландликларни киритамиз автоматик равишда горизонталлар ҳосил бўлади.

**Изоҳ:** Юқорида айтиб ўтилган (кадастр планини расмийлаштириш) ишларини, ушбу ишда, тахеометрик съёмкаси дала журнали дала шароитида тўлдирилганидан сўнг, камерал ишлар яъни кадастр планини ҳисоблаш, чизиш ва расмийлаштириш ишлари электрон – геодезик дастур (CredoDAT, GeoniCS 2007 ва AutoCAD) лар ёрдамида бажарилади.

**Эслатма:** Ушбу курс ишини бажариш жараёнида кадастр съёмкасини амалда ўлчаш ишлари кўзда тутилмаган. Курс ишини бажариш учун ушбу услубий кўрсатманинг иловалар бўлимида ҳар бир талабаларга топшириқ ва вариантлар берилган.


## **2. Кадастр планини компьютер дастурларида расмийлаштириш.**

### **2.1. Теодолит ёрдамида олинган съёмка натижаларини CredoDat дастурида бажариш жараёни.**

Ишчи ойнадан **CredoDat** ни, яъни дастурни ишга тушириш учун,


ишчи ойнадан  нинг устига сичқончанинг чап тугмасини икки марта

босиш ёки ўнг тугмасини босиб контекстли менюдан **Открыть** тугмасини босиш орқали ишчи ҳолатга туширамиз. Дастурни ишчи ҳолатга туширганимиздан сўнг, **Файл** менюсидан **Создать** тугмасидан **Проект Ctrl+N** ни босамиз ва теодолитдан олинган саноқларни киритамиз.

Бунинг учун  дан **Имя** каттакчасига биринчи станцияни **C1** ва теодолитни шимолга қаратиб олган нуқтамизни **101** деб номини ёзамиз. Масалан, **C1** ва **101** нинг **X,Y** координаталарини ва **H** баландликларини киритамиз (4-расм).

Пункты ПВО   Дирекционные углы   Измерения   Теодол. ходы   Нивелир. ходы   Топогр. объекты										
	Имя	X	Y	Тип XY	Статус XY	H	Тип H	Статус H	Принадл. рельеф	
<input type="checkbox"/>	C1	1600,000	-2890,080	Исходный	Уравненный	688,020	Исходный	Уравненный	Рельефный	
<input type="checkbox"/>	101	1700,000	-2890,080	Исходный	Уравненный	688,020	Исходный	Уравненный	Рельефный	

4-расм.

Шундан кейин шу қатордан  ни танлаб, **Тахеометрия** га белги қўямиз ва **Станция** каттакчасига **C1** нинг, ҳамда **101** ни маълумотларини биринчи жадвалга 5-расмдагидек киритамиз.

А)

Пункты ...   Дирекци...   Измерен...   Теодол. х...   Нивелир...   Топогр. о...							
Тип съёмки: <input type="radio"/> ПВО <input checked="" type="radio"/> Тахеометрия							
	Станция	H <sub>i</sub>	Место нул	Инструмент	X	Y	H
<input type="checkbox"/>	C1	1,500	1°00'00,00"	Default	1600,000	-2890,080	688,020

В)

Пункты ...   Дирекци...   Измерен...   Теодол. х...   Нивелир...   Топогр. о...							
Тип съёмки: <input type="radio"/> ПВО <input checked="" type="radio"/> Тахеометрия							
	Станция	H <sub>i</sub>	Место нул	Инструмент	X	Y	H
<input type="checkbox"/>	C1	1,500	1°00'00,00"	Default	1600,000	-2890,080	688,020
<input type="checkbox"/>	101	1,500	1°00'00,00"	Default	1700,000	-2890,080	688,020

5-расм.

Бунда **H<sub>i</sub>** – асбоб ва рейка баландлиги.

Шундан сўнг экранда ҳосил бўлган пастки, яъни иккинчи жадвалга **C1** дан туриб керакли нуқталардан олинган саноқларни **Цель** ячейкасига теодолит съёмкасини киритишни бошлаймиз. Шимолга қаратилган нуқта **101** ёзилган қаторнинг горизонтал ва вертикал стумларига 00 киритиб,




съемка жараёнида олинган нукталарни **горизонтал, вертикал, масофа (Расстояния)** ва **Hi** рейка баландлиги стумларига санокларни киритамиз (6-расм).

Цель	Круг	Гор. лимб	Верт. лимб	Превышен	Расст.	Hv	Метод определ.	X	Y	H	Принадл.г
101	Лево	0°00'00,00"	1°00'00,00"			1,500	Горизонтальное г	1700,000	-2890,080	688,020	Рельефный
1	Лево	139°30'00,00"			12,200	1,500	Горизонтальное г	1590,723	-2882,157		Рельефный
2	Лево	132°05'00,00"			8,100	1,500	Горизонтальное г	1594,571	-2884,068		Рельефный
3	Лево	72°25'00,00"			24,000	1,500	Горизонтальное г	1607,250	-2867,201		Рельефный
4	Лево	79°40'00,00"			26,400	1,500	Горизонтальное г	1604,735	-2864,108		Рельефный
5	Лево	76°50'00,00"			29,000	1,500	Горизонтальное г	1606,606	-2861,842		Рельефный
6	Лево	76°05'00,00"			30,000	1,500	Горизонтальное г	1607,215	-2860,961		Рельефный
7	Лево	69°51'00,00"			32,000	1,500	Горизонтальное г	1611,023	-2860,039		Рельефный
8	Лево	33°00'00,00"			19,000	1,500	Горизонтальное г	1615,935	-2879,732		Рельефный
9	Лево	358°00'00,00"			7,500	1,500	Горизонтальное г	1607,495	-2890,342		Рельефный
10	Лево	42°49'00,00"			4,500	1,500	Горизонтальное г	1603,301	-2887,022		Рельефный
11	Лево	234°20'00,00"			8,400	1,500	Горизонтальное г	1595,102	-2896,904		Рельефный
12	Лево	166°21'00,00"			8,400	1,500	Горизонтальное г	1591,837	-2888,098		Рельефный
13	Лево	157°15'00,00"			12,800	1,500	Горизонтальное г	1588,196	-2885,130		Рельефный
14	Лево	153°35'00,00"			12,500	1,500	Горизонтальное г	1588,805	-2884,519		Рельефный
C2	Лево	142°40'00,00"	°10'00,00"		25,000	1,500	Горизонтальное г	1580,122	-2874,919	687,511	Рельефный

6-расм.


**CredoDat** дастури ишчи ойнасининг ўнг томони экранига сичқончанинг ўнг тугмасини босамиз, ҳосил бўлган контексли менюдан **Показать все** тугмасини босамиз (7-расм. А) ва яна сичқонча ўнг тугмасини бир марта босиш орқали ушбу менюдан **Свойства проекта** (7-расм. В) буйруғини ишга туширамиз



А)


В)

7-расм.





8-рasm.

Ҳосил бўлган ойнадан **Масштаб съёмки** ни **1:500** масштабга келтириб, **OK** тугмасини босамиз (8-рasm.), натижада дастурнинг ўнг томонидаги ойнада съёмка қилинган нуқталар тасвирланади (9-рasm).




9-рasm.


С1 нукталаридан олинган санокларни киритиб бўлгандан сўнг С2 яъни иккинчи станцияга ўтиш учун, яна  тугмачасини ишга туширамыз ва **Имя** катакчасига С1 ва **101** дан пастки қаторга иккинчи станциянинг номини С2 деб ёзамиз ҳамда С2 нинг қийматларини ушбу дастур **CredoDat**нинг 2-жадвалида берилган ХҲ координата ва Н баландликларини киритамиз (10-расм).



Имя	X	Y	Тип XY	Статус XY	Н	Тип Н	Статус Н	Принадл. рельеф
C1	1600,000	-2890,080	Исходный	Уравненный	688,020	Исходный	Уравненный	Рельефный
101	1700,000	-2890,080	Исходный	Уравненный	688,020	Исходный	Уравненный	Рельефный
C2	1580,122	-2874,919	Исходный	Уравненный	687,511	Исходный	Уравненный	Рельефный

10-расм.

Шундан кейин  ни танлаб, **Станция** катакчасига С1 ва **101** дан пастки қаторга С2 ни, **Н<sub>i</sub>** асбоб баландлигини дастурнинг биринчи жадвалига 11-расмдагидек киритамиз.




Станция	Н <sub>i</sub>	Место нул	Инструмент	X	Y	Н
C1	1,500	1°00'00,00"	Default	1600,000	-2890,080	688,020
101	1,500	1°00'00,00"	Default	1700,000	-2890,080	688,020
C2	1,500	1°00'00,00"	Default	1580,122	-2874,919	687,511

11-расм.

